



Farrukh ELMIRZAYEV^a

*^aOfficer of the Counter-Terrorism Service,
Ministry of Internal Affairs, Republic of Uzbekistan
Yunus Rajabiy Street. 1, 100029, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: Farruh_uz@inbox.ru*

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА АЁЛЛАРНИ ЭКСТРЕМИСТИК ҲОЯЛАРГА ЖАЛБ ЭТИШ ТАҲДИДИ: ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР

Abstract. Ушбу мақола экстремистик гуруҳларнинг ижтимоий тармоқларда хотин-қизларни қандай қилиб нишонга олиши жараёнларини таҳлил қилишга қаратилган. Сўнгги йилларда интернет экстремистлар учун ёллаш ва радикаллашув воситасига айланиб, уларнинг аёллар ўртасида қўллаб-қувватловчи муҳит яратишга бўлган уринишлари ортиб бормоқда. Тадқиқот жараёнида етакчи ижтимоий медиа платформаларида аёлларни ёллаш ва уларнинг онгини ўзгартиришга қаратилган постлар ва контентлар таҳлил қилинди.

Тадқиқот методологияси сифатида қиёсий таҳлилдан фойдаланилиб, бир қатор ижтимоий тармоқлардаги постлар, ҳештеглар ва визуал контентлар ўрганилди. Шу билан бирга, аёллар ўртасида кибермаконда кенг тарқалаётган гендер нотенглик ва патриархал стереотиплар – аёлларни уй ишларига, эркаларни эса етакчиликка мос келади деган анъанавий қараешлар ҳамда экстремистлар томонидан хотин-қизларга таъсир ўтказиш мақсадида ишлатилган методлар таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари экстремистик гуруҳларнинг аёлларни ёллашда шахсий ва жамиятдаги заифликларидан фойдаланишини кўрсатди. Бу гуруҳлар аёлларнинг психологик эҳтиёжларини эксплуатация қилиш орқали ўз таъсирини ўтказмоқда. Тадқиқот натижалари жамиятда рақамли саводхонликни ривожлантириш ва виртуал оламдаги фойдаланувчиларга зарур кўникмаларни ўргатишнинг аҳамиятини таъкидлайди. Ушбу кўникмаларни ошириш орқали жамият экстремистик таъсирларга қарши тура оладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Калит сўзлар: онлайн ёллаш, экстремистик тармоқлар, тарғибот стратегиялари, экстремизм, тармоқдаги хавфлар, радикал ғоялар, гендер муаммолари, манипуляция усуллари, моносфера муҳити.

WOMEN IN THE CROSSHAIRS OF EXTREMISTS: THREATS ON SOCIAL MEDIA

Аннотация. This study focuses on analyzing how extremist groups target women on social media platforms. In recent years, the internet has increasingly become a tool for extremists to recruit and radicalize individuals, with growing efforts to create a supportive environment among women. The research examines posts and content aimed at recruiting women and influencing their perceptions on leading social media platforms.

A comparative analysis methodology was employed to study posts, hashtags, and visual content across various social networks. The study also explores how gender and patriarchal stereotypes – such as the traditional belief that women are suited for domestic roles while men are leaders – are perpetuated in cyberspace and utilized by extremists to influence women.

The findings reveal that extremist groups exploit personal and societal vulnerabilities to recruit women. For instance, they leverage gender-based narratives, foster a sense of "sisterhood," and manipulate women's psychological needs to expand their influence. The study highlights the importance of promoting digital literacy and equipping users, especially women, with the necessary skills to navigate and protect themselves in the online environment. These skills are crucial in shielding women from the threat of extremism and in supporting the development of countermeasures against extremist influence.

Keywords: Online recruitment, extremist networks, propaganda strategies, extremism, online threats, radical ideologies, gender issues, manipulation techniques, manosphere environment.

КИРИШ

Бугунги глобаллашув даврида рақамли технологиялар экстремистик радикаллашувнинг асосий воситасига айланиб бормоқда. Экстремистик кучларнинг жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш ва янги аъзоларни жалб қилиш қобилияти кўп жиҳатдан рақамли муҳитдаги турли усулларни, жумладан, ўйин методлари, ижтимоий медиа кампаниялари, мемлар ва видеолар орқали маълумот тарқатишни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлиб бормоқда.

Ижтимоий медиа платформалари экстремистларга кенг аудиторияга арзон ва осон йўл билан кириб бориш имконини беради. Бу платформаларда тартибга солишнинг чеклангани ва маълумотларнинг тез тарқалиши сабабли, уларнинг ҳоялари кенг жамоатчиликка тарқалиши учун қулай шароит яратилади. Бундай қулайликлар экстремистларнинг диққат марказида туриши аниқ. Шунинг учун кўплаб гуруҳлар ўз алоқа, ёллаш ва тарғибот ишларини рақамли майдонларда фаол равишда ривожлантирмоқда. Улар фаолиятларини фақат бир платформа билан чекламай, ижтимоий тармоқлар, форумлар, веб-сайтлар каби турли рақамли майдонларда бир вақтнинг ўзida фаол бўлиб, турли платформаларда ўз таъсирини сақлаб қолишга ҳаракат қилишмоқда.

Мақолада ижтимоий тармоқларда аёлларнинг экстремистик гуруҳлар томонидан нишонга олиниши бўйича турли онлайн платформа ва усулларни қиёсий таҳлил қилишга асосланган тадқиқот методологияси қўлланилган. Тадқиқотда турли экстремистик гуруҳлар томонидан аёлларни ёллаш ва манипуляция қилишда қўлланиладиган тактикаларнинг самарадорлигини баҳолаш учун сифатли усуллардан фойдаланилган. Асосий эътибор ижтимоий тармоқлар контенти таҳлили, алоҳида гуруҳ ва саҳифалардаги ҳолатлар таҳлилларига қаратилади.

Қўшимча равишда, ижтимоий тармоқларда аёллар билан ишлашга оид маҳаллий ва халқаро тажрибаларни чуқурроқ тушуниш мақсадида эксперт интервьюлари ўтказилган. Шунингдек, тадқиқотда мавжуд манбалар ва расмий ҳисоботлар мазмунли таҳлил қилиниб, радикаллашувга қарши профилактика стратегияларини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бир неча йил олдин экстремистик ташкилотлар мўлжали асосан ёш йигитларни онлайн радикаллаштириш ва уларни экстремистик гуруҳларга жалб қилишга қаратилган эди. Аммо бугунги кунда бу тенденция ўзгариб, онлайн радикаллашув айнан хотин-қизларни нишонга олмақда. Хотин-қизларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши бўйича Европа Иттифоқи томонидан тайёрланган «Ижтимоий тармоқларда аёлларнинг экстремистлар томонидан нишонга олиниши ва зўравон экстремизмни олдини олиш бўйича тавсиялар»да эълон қилинган ҳужжатда экстремистларнинг рақамли ёллаш ва жалб қилиш тактикалари, шунингдек, қизлар ва хотин-қизларнинг заиф нуқталари муҳокама қилинган. Ушбу заифликлар қаторига онлайн ва офлайндаги камситиш, ҳамфикр ва хайрихоҳ муҳитга бўлган интилиш, шунингдек, қўрқитиш каби муаммолар киради.

Экстремистик гуруҳлар ўз ҳояларини тарғиб қилиш ва сиёсий мақсадларга эришиш мақсадида хотин-қизларни нишонга олишда турли стратегик усуллардан фойдаланишмоқда. Масалан, идентификация ҳаракатлари ва «Нордик қаршилиқ ҳаракати» каби неонацистик ташкилотлар хотин-қизлар ва ёш қизларни онлайн экстремизмга жалб қилишга қаратилган махсус контентлар ишлаб чиқишмоқда. Улар бу жараёнда ёшлар учун жозибали ва тез тарқалувчи махсус ҳештеглар, визуал материаллар ҳамда йўналтирилган мемлардан фойдаланиб, уларни ўз таъсирига жалб қилишга ҳаракат қилишади.

Юқорида таъкидланганидек, дин ниқобидаги экстремистлар томонидан ижтимоий медиа платформаларидан фойдаланиш масаласи «ИШИД»нинг рақамли ёллаш ҳаракатлари бошланиши билан кенг эътиборга тушди. 2014 йилда «ИШИД» жаҳон миқёсида ижтимоий медиа орқали жалб қилиш кампаниясини бошлади. Бу кампания нафақат эркакларни, балки аёллар ва ўсмирларни ҳам нишонга олган бўлиб, «ИШИД» ижтимоий тармоқларда, хусусан, Twitterда, ўн минглаб қўлловчи аккаунтлар орқали кенг ижтимоий медиа ҳузурини шакллантиришга муваффақ бўлди. Аёлларнинг террорчи тармоқларга қўшилиши янгилик бўлмаса-да, «ИШИД»га қўшилган аёллар сони ўтмишдаги бошқа гуруҳлар томонидан кузатилгандан анча юқори бўлди.

Куйида энг кўп фойдаланиладиган ижтимоий медиа платформалари ва уларнинг экстремистлар томонидан қандай қўлланилаётгани ҳақида қисқача маълумот берилади:

Бугунги кунда YouTube, гарчи Vimeo ва TikTok каби платформалар томонидан рақобат ўсиб бораётган бўлса ҳам барча видеоплатформалар орасида энг катта аудиторияга эга бўлиб қолмоқда. Pew Research Center томонидан ўтказилган сўровлар шуни кўрсатадики, 2019 йилдан бери YouTube ва Reddit статистик жиҳатдан сезиларли ўсишга эришган ижтимоий медиа платформаларидан ҳисобланади. Айниқса, ўсмирлар ва ёшлар учун YouTube ахборот олишнинг марказий манбасига айланди.

Платформанинг контентни назорат қилиш бўйича кўрилатган чора-тадбирларига қарамадан, YouTube видеолари таҳлили кўплаб мустақил YouTube каналлари анъанавий ахборот манбаларидан кўра ноҳолисликка асосланган маълумотлар ва ҳаттарли нарративларни тарқатаётганини аниқлади. Платформа алгоритми туфайли шубҳали ёки экстремистик контент билан қизиққан фойдаланувчиларга янада кўпроқ шундай видеолар таклиф этилиши мумкин. Шу сабабли, сиёсий мавзулар ёки кундалик ҳаётга оид саволларга жавоб қидираётган шахслар экстремистик контентга дуч келиш эҳтимоли ортади. Ёш фойдаланувчилар учун ахборотга йўналтирилган видеолар айниқса ишончли кўринади, чунки улар «реал ҳаётдаги» одамлар томонидан етказилаётгандай тасаввур уйғотади. Масалан, нисбатан янги бўлган ва «Ҳизбут-таҳрир»га алоқадор «Muslim Interaktiv» гуруҳи TikTokда катта аудиторияга эга бўлса ҳам, YouTube учун юқори сифатли ва мураккаб видеолар ишлаб чиқаришда давом этмоқда.

Facebook айрим Европа давлатларида ёш фойдаланувчилар сони камайиб бораётганига қарамай, ҳали ҳам энг кўп фойдаланиладиган ижтимоий тармоқлардан бири сифатида қолмоқда. Экстремистик оқимлар Facebook платформасидан очик гуруҳлар ва саҳифаларда ёки фақат админлар тасдиғи орқали кириш мумкин бўлган ёпик гуруҳларда ўз ғояларини тарқатиш, янги аъзоларни жалб қилиш ва жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш мақсадида фойдаланишади.

Америка Қўшма Штатларида ўтказилган тадқиқотга кўра, катталар орасида Facebookдан фойдаланиш даражаси ёшларга қараганда анча юқори. Масалан, 18-29 ёшлилар орасида тахминан 70% фойдаланувчи Facebookдан фойдаланади.

TikTok ва Snapchat каби платформалар ёшлар орасида машҳур бўлса ҳам, катталар улардан камроқ фойдаланади. Facebook эса ёшлар ва катталар орасида деярли бир хил оммалашган. Шу сабабли, Facebook қизлар ва хотин-қизларни экстремистлар томонидан нишонга олинишига қарши самарали профилактика ишларини олиб бориш учун муҳим платформа ҳисобланади. Бу ерда радикал таъсирларга қарши чоралар ишлаб чиқиш ва хавфсизликни таъминлаш орқали ёшларни экстремизмдан ҳимоя қилиш мумкин.

2021 йил октябрь ойида Facebookнинг собиқ ходими Франчес Хауген компаниянинг ички ҳужжатларини ошкор қилиб, платформа алгоритми ўсмир фойдаланувчиларни зарарли контентга олиб бораётганини кўрсатиб берди. Хаугеннинг АҚШ Сенатига берган кўрсатмалари ва махфий ҳужжатлар маълумотларига кўра, Facebook ёш қизларнинг хавотир ва заифликларини ўз манфаати йўлида фойдаланидиган алгоритмдан фойдаланади. Бу алгоритм ёш фойдаланувчиларни уларнинг психологик заиф нуқталарига таъсир этувчи контентга йўналтиради.

2016-2017 йиллар оралиғида жиҳодчи гуруҳлар ижтимоий медиа орқали хотин-қизларни жалб қилишда фаоллашиб, аёллар орасида «ИШИД» ғояларини тарғиб қила бошлади. Бунда жангариларга турмушга чиқиш қаҳрамонлик сифатида кўрсатилиб, аёлларни жанговар ҳаракатларга чақирувчи тасвирлар ва видеолар тарқатилган. Экстремистлар аёлларни жалб қилишда уларнинг ҳис-туйғуларидан моҳирона фойдаланишади. Улар таъсирчан видеолар орқали аёлларни «ҳимояланиш» баҳонасида ҳужум қилишга чорлашади. Бу каби контент аёлларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилиб, уларнинг ҳамдардлик ва адолат ҳиссини кўзғатишга қаратилган. Шу йўсинда, экстремистлар аёлларнинг эмпатия ва ёрдамлашиш истагини суистеъмол қилиб, уларни радикал ҳаракатларга мойиллаштиради. Улар мазмунан чуқур ва эмоционал таъсирли материаллар орқали аёлларнинг онгини манипуляция қилади.

TikTok — қисқа видеолар алмашишга мўлжалланган платформа бўлиб, асосан ҳажвий ва рақс роликларини яратиш учун ишлатилади. Илованинг филтрлар, тезкор монтажлар, мусиқа эффектлари ва стикерлар каби функциялари уни ёшлар орасида жуда оммалаштирди. 2016 йилда ишга туширилганидан буён TikTok асосан ўсмирлардан иборат аудиторияга эга бўлиб, бу унинг машҳурлигига сабаб бўлди.

2018 йилдан бошлаб, TikTokда «ИШИД» тарғибот контенти аниқлангач, платформа бундай постларни олиб ташлашга киришди. Бу видеолар ёш қизларни нишонга олиб, уларга «жиҳодчи ошиқ» каби романтик профиллар орқали таъсир ўтказишга уриниб келди. Экстремистлар ўз контентларини кенгрок аудиторияга етказиш мақсадида тренд мавзулар ва калит сўзлардан фойдаланмоқда, чунки TikTok'нинг «сиз учун» саҳифаси фойдаланувчиларнинг қизиқишларига кўра контент тавсия қилади, бу эса видеоларни кенг аудиторияга етказиш имконини беради.

2019 йилда «ИШИД» Сурия ва Ироқдаги ҳудудлар устидан назоратни йўқотгач, TikTokда у билан боғлиқ тахминан икки юзта аккаунт уларнинг тарғибот видеоларини тарқатишда фаол қолган. Оксфорд университетининг экстремизм бўйича мутахассиси Элизабет Кендаллнинг фикрича, «ИШИД» ўз гоёларини «нашида» услубда тарқатиш орқали уни жамоавий хотирада сақлаб қолишга уринган. Бу видеоларнинг кўпчилиги ёш қизларни нишонга олиб, уларни эмоционал жиҳатдан жалб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бошқа платформалар ҳам экстремистларнинг алоҳида эътиборидаги воситаларга айланмоқда, чунки улар кенг аудиторияга етиб бориш ва ёшлар, рухий тушқунликдаги одамлар, турли муаммоларга дуч келган, ишсиз ёки ҳаётида маъно излаётган шахслар билан ўзаро мулоқот имконини беради. Экстремистлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг назоратидан четланиш мақсадида муҳокамаларни Telegram каби мессенжерларга кўчиришди. Бу мессенжерлар махфийлик даражаси юқори бўлгани учун алоқа қилиш учун қулай ҳисобланади.

LiveMe ва YouNow каби жонли эфир ва трансляция платформаларида тақиқланган контентни назорат қилиш бўйича қоидалар кўпинча заиф ёки амалга оширишда самарасиздир. 2020 йилги АҚШ президентлик сайловидан сўнг, айрим экстремист фойдаланувчилар Twitter ва бошқа платформадаги блоклардан кейин Twitch'га ўтишди. Шунингдек, 2021 йил бошида АҚШ Капитолийни бузиб кирган ўнг қанот зўравонлар ўз ҳаракатларини жонли эфирда трансляция қилганидан кейин DLive жонли эфир платформаси ҳам кенг жамоатчилик диққатини ўзига тортди.

Бу каби платформалар экстремистлар учун жамоатчиликка шов-шувли маълумот тарқатиш ва трансляция қилиш имкониятини яратиб бергани сабабли, уларни назорат қилиш жуда муҳим. Жонли

эфир хизматлари орқали тарқатиладиган контентни реал вақтда назорат қилиш қийинлиги сабабли, зўравонликка чақирувчи ва нотўғри маълумотлар кенг тарқалиш хавфи сақланиб қолмоқда.

Reddit ва 4chan каби тармоқларда эркак фойдаланувчилар сони аёлларга нисбатан икки баравар кўп бўлса-да, хотин-қизларни нишонга олган экстремистик контентлар кенг тарқалган. Айрим Reddit гуруҳларида (сабреддитларда) аёлларнинг жамиятдаги роли муҳокама қилинади ва ушбу ролни қандай бажариш ҳақида «маслаҳатлар» берилади. «Фемселлар» номли йирик ҳамжамият мавжуд бўлиб, бу ерда ўзини ёлғиз ҳис қилувчи ёки ишқий муносабатларда муваффақиятсизликка учраган аёллар йиғилади. Улар ўз ёлғизликларини жамият ёки бошқа шахслар томонидан рад этилиш билан боғлайдилар ва бу ҳамжамиятда аёллар ўртасидаги изоляция ва ёлғизлик ҳисси кенг муҳокама қилинади.

МУҲОКАМА

Экстремистлар қизлар ва аёлларни онлайн муҳитга жалб қилишда уларнинг ижтимоий ва шахсий қийинчиликларидан фойдаланадилар. Кўпинча хотин-қизлар маданий қоидалар ва оилавий босимлар сабабли офлайн муҳитда чекланган эркинликларга дуч келадилар, бу эса уларнинг таълим олиши, ишга жойлашиши ва шахсий ҳаётларига таъсир қилади. Чекланган ижтимоий алоқалар хотин-қизлар учун виртуал дунёда янги муносабатлар ўрнатиш имкониятини яратади.

Экстремистлар аёлларнинг норозилигидан фойдаланиб, уларга «ўз йўли ва мақсадига эга бўлиш» гоёсини таклиф қиладилар. Улар аёлларга ўз хоҳиш-истакларини амалга ошириш, мақсадли ва кадр-қимматга эга бўлиш имкониятини ваъда қилиб, уларни ўз сафига тортишга ҳаракат қиладилар. Бу жараёнда экстремистлар аёлларнинг заиф томонларига таъсир қилиб, уларни ўз мақсадлари учун фойдаланадиган шахсларга айлантиришга интиладилар.

Умуман олганда, онлайн экстремизмнинг гендер жиҳатлари аниқ кўринади, чунки бу контент, хабарлар ва тил гендер стереотипларига асосланиб ёки аудиториянинг қатъий гендер ажратилишига таянади ва аниқ (гендер) аудиторияга йўналтирилган материаллар ишлатилади. Индонезиядаги зўравон экстремистик веб-сайтларнинг контентини таҳлил қилган тадқиқотда аёллар итоаткор ролларда

кўрсатилади. Бошқа томондан, эркаларнинг роллари ҳақидаги жумлаларда улар кўпинча «етакчи» ёки «ҳимоячи» сифатида таърифланади. Бу каби контент гендер стереотипларини мустаҳкамлайди ва аудиторияни аниқ гендер ролларига мослашишга чорлайди, шу орқали экстремистик ғояларни тарқатишда аёллар ва эркаларга йўналтирилган таъсир механизмларини яратади.

Экстремистик оқимларнинг ғоявий раҳнамолари онлайн тарғиботда аёлларга хос ёндашувларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратишади. Уларнинг контенти хотин-қизларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мос келадиган мавзулар, масалан, мода, турмуш тарзи, оила ва дўстлик каби мавзуларни қамраб олади. Шунингдек, жозибador дизайндаги контент орқали хотин-қизлар орасида кенг тарқалишга ҳаракат қилинади. Бу ёндашув аёлларни экстремистик гуруҳ таъсирига тортишга қаратилган бўлиб, унда тарғибот воситалари орқали аёлларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларидан фойдаланишади. Экстремистлар ҳар бир аёлга индивидуал равишда ёндашиб, уларни ўз сафига жалб қилишга ҳаракат қиладилар. Масалан, 2006 йилда Фарғона вилоятида туғилган касб-хунар коллежининг 2-курс талабаси ижтимоий тармоқда жиҳодчиларнинг экстремистик ташкилотининг жангариси таъсири остига тушиб, диний қарашлари радикаллашган. Ушбу жангари билан ишқий муносабатларни ривожлантириб, «онлайн никоҳ»дан ўтган. Шунингдек, отасига тегишли бўлган 7.250 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўғирлаб, Суриядаги жангариларни қўллаб-қувватлаш мақсадида электрон шаклда юборган.

Ижтимоий медиа тармоқларида суратлар ва мемлар илҳомлантирувчи хабарлар, диний иқтибослар ёки фатволар билан бирга нашр қилинади. Бундай контентларда «лайк» ва «улашиш» имкониятлари ёш қизлар ва аёлларнинг кундалик мулоқотида таъсир ўтказиб, уларни экстремизмга етакловчи эшикларни очиб боради. Бу йўл билан уларга таъсир ўтказиб, кундалик ҳаётларига экстремистик ғояларни сингдириш мақсад қилинади. Бундай визуал тарғибот воситалари ёш қизлар орасидаги муваффақиятли таъсирни таъминлаш учун жозибали ва замонавий воситалардан фойдаланиб, уларнинг диний тушунчаларини экстремистик ғояларга ёндаштиришга уринади.

Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалиядаги разведка агентлиги маълумотларига кўра, «ИШИД» билан алоқаси бор баъзи каналлар

аёллар ва қизларга йўналтирилган «ҳамдардлик тармоқлари» сифатида ҳам фаолият юритган. Масалан, 'freeoursisters' номи Instagram akkaунти собиқ «ИШИД»худоуларига кетган ва ҳозирда Сурия ва Ироқдаги қамок лагерларида ёки Европа мамлакатлари қамокхоналарида сақланаётган аёллар ва уларнинг турмуш ўртоқлари учун ҳамдардлик билдирувчи постларни улашиб келади.

Даниядаги жиҳодчи-салафий ташкилотларнинг ижтимоий медиа профиллари аёлларга мослаштирилган нарративлар асосида таҳлил қилинган тадқиқотлар кўрсатганидек, уларнинг кўплаб контентлари замонавий ва кундалик масалаларни қамраб олади. Мотивация нарративлари анъанавий диний таълимотларга асосланган бўлса-да, Ғарб мамлакатларида яшовчи мусулмон аёлларнинг шахсий муаммоларига мувофиқлаштирилган.

Тадқиқотга кўра, кўп учрайдиган нарративлардан бири «опа-сингиллик шарафи» ва уларнинг «дин» учун биргаликда курашиш мажбуриятидир. Бундай ташкилотлар, масалан, Kaldet til Islam (Исломга чақирув) хотин-қизларни экстремистик ҳаракатларда қатнашишга ундайди. Ғарб жамиятларида мусулмон аёллар дуч келиши мумкин бўлган гендер дискриминацияси уларга жиҳодда иштирок этишни зарур восита сифатида кўрсатади. Постларда зўравонликка тўғридан-тўғри ёки билвосита чақириқлар кўп учрайди, бу эса аёлларни экстремистик ғояларга жалб қилиш учун таъсирчан восита бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, экстремист рекрутерлар, яъни ёлловчилар хотин-қизларнинг заифликларидан фойдаланган ҳолда улар билан онлайн алоқалар ўрнатадилар. Ушбу алоқалар орқали хотин-қизлар радикаллашув жараёнига киритилиб, уларнинг радикаллашган дўстлари билан танишиши учун шароит яратилади. Бундай вазиятда хотин-қизларнинг ёлғон ва манипуляцияга асосланган алоқалардан узилиб қолмаслиги учун, уларга алтернатив ижтимоий тармоқларни таклиф қилинади. Бу турдаги тармоқлар хотин-қизларга «опа-сингиллик» ҳиссини бериш орқали ўзига хос бирдамлик муҳитини яратиб, уларни жамиятга интеграция қилишга ёрдам беради.

НАТИЖА

Хотин-қизлар ва ёшларни экстремистик ғоялар, радикаллашув ва интернетдаги турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган

самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида турли давлатларнинг тажрибалари ўрганилди. Жумладан:

Қизлар академияси – Ўзбекистондаги барча ёшдаги аёл-қизлар учун мўлжалланган бепул ўқув ва ривожланиш платформасидир. Ушбу платформа соғлиқни сақлаш, замонавий касблар, ҳунармандчилик, таълим, тадбиркорлик, психологик ҳамда ҳуқуқий билимларни ўз ичига олган турли модуллари таклиф қилади. Дарслар, махсус дастурлар ва материаллар бошланғич даражадан профессионал даражагача бўлган билимлар беришга қаратилган.

Қизлар академияси аёл-қизларнинг турли соҳалардаги саводхонлигини ошириш, уларга жамиятда ўз ўрнини топиш ва мустақил ҳаётда фаол бўлишларига ёрдам беришни мақсад қилади. Платформа фойдаланувчиларга рўйхатдан ўтиб, интерактив ўқув дарслари ва савол-жавоб модуллари орқали билим олиш имконини такдим этади. Ушбу ҳамжамиятда фаол иштирок этиш орқали, аёллар ўзларининг қўллаб-қувватловчи ҳамжамиятларини топишлари ва янги кўникмаларга эга бўлишлари мумкин.

Islam-ist платформаси – бу Германиядаги зўравонликнинг олдини олиш тармоғи (Violence Prevention Network) томонидан ташкил этилган онлайн савол-жавоб платформасидир. Унинг мақсади мусулмон ёшлари учун кундалик ҳаётда дуч келинадиган саволларга ислом нуқтаи назаридан аниқ ва тушунарли жавоблар беришдир. Бу платформа радикаллашув жараёнларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, ёшларга ислом ҳақида тўғри маълумот такдим қилиш орқали салбий стереотиплар ва нотўғри тушунчаларни йўқ қилишни мақсад қилади.

Islam-ist платформаси ўзининг Instagram, Facebook ва TikTok каби ижтимоий медиа каналлари орқали ёшлар билан мунтазам алоқада бўлиб, кенгрок аудиторияга етказиш учун турли воситаларни қўллайди. Мазкур платформанинг доирасида ислом ва хилма-хиллик, ислом ва дам олиш, ислом ва мулоқот каби бўлимлар мавжуд. Бу бўлимларда ёшлар исломий билимларнинг замонавий ҳаётда қандай намоён бўлиши ҳақида маълумот олишлари мумкин. Мазкур бўлимларда исломнинг ўзига хос қадриятлари ҳақида маълумотлар савол-жавоб шаклида такдим этилади, бу эса ёшларнинг

кундалик ҳаётига тўғри келадиган жавоблар ва маслаҳатларни беришни мақсад қилади.

Платформа шунингдек, Қуръон оятлари ва диний атамаларнинг маъноларини тушунтирувчи видеоларни ҳам ўз ичига олади. Бу орқали ёшлар исломий билимларни тушунарли ва содда тарзда ўзлаштиришлари мумкин. Видеоматериаллар ёшларнинг қизиқишларига мос тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, уларни тўғри ахборот билан таъминлашга қаратилган.

Голландиянинг Маданиятлараро бағрикенглик ва интеграция фонди (Intercultural participation and integration fund) томонидан амалга оширилаётган Diamond дастури 12 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшларнинг шахсий муаммоларига ёрдам беришга қаратилган. Дастур гендер роллари, муҳаббат ва шу каби мавзуларга оид саволларни ўрганиш ва муҳокама қилиш учун онлайн маконлар таклиф этади.

Diamond дастури онлайн муҳокамалар орқали ёшларга ўзларининг шахсий, муносабатлар ва гендер ҳақидаги саволларини эркин муҳокама қилиш имкониятини беради. Бу орқали улар ўзларининг шахсий ривожланишига ёрдам берадиган билим ва кўникмаларни олишлари мумкин. Дастурнинг мақсади ёшларнинг ижтимоий интеграциясини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг турли маданиятлар ўртасидаги мулоқотини рағбатлантиришдир.

Life After Hate ташкилоти: АҚШдаги Life After Hate ташкилоти заиф онлайн фойдаланувчилар учун собиқ экстремистлар ва психологлар томонидан ёрдам кўрсатишга қаратилган. Ушбу ташкилот экстремистик муҳитлардан чиққан одамларга, шу жумладан, ёшлар ва уларнинг оилавий аъзоларига турли хил қўллаб-қувватлаш хизматлари такдим этади.

Ташкилотнинг асосий мақсади – радикаллашувнинг олдини олиш, жамиятда дўстона алоқаларни тиклаш ва ёшларнинг салбий таъсирлардан ҳимояланишини таъминлаш. Life After Hate платформаси аниқ йўналтирилган, илмий ва мослашувчан ёндашуви билан, экстремистик муҳитлардаги инсонларнинг ижтимоий ҳаётга интеграциясини қўллаб-қувватлайди.

Life After Hate ташкилоти, «опа-сингиллик» тушунчасини тушуниш орқали, жамиятни экстремистик муҳитдан ташқаридаги алтернатив алоқалар ва тармоқлар билан таъминлашга интилади. Бунда улар собиқ экстремистларнинг тажрибаларини, уларнинг ижтимоий интеграция-

сини ва ижобий муносабатларни рағбатлантиришни кўзлайдилар. Ташкилот аъзолари орасида собик экстремистлар бор, улар ўз ҳаётларини ўзгартириш, радикал ғоялардан воз кечиш ва жамиятда ижобий роль ўйнашга уринишаётганларига ёрдам беришади.

Juuuport – Германияда жойлашган, ёшлар учун онлайн маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш хизматини кўрсатувчи ташкилотдир. Ушбу ташкилот 2010 йилда Нидерсаксен Медианастаси (Niedersächsische Landesmedienanstalt) томонидан ташкил этилган ва ҳозирда Juuuport номли хайрия ташкилоти сифатида фаолият олиб боради. Ёшларга интернетдаги хавф-хатарлар, масалан, киберҳимоя, нафрат нутқи ва экстремистик контентга қарши аноним маслаҳатлар ва қўллаб-қувватлашни таклиф этади. Ташкилотнинг асосий фаолияти хотин-қизларга йўналтирилган бўлиб, уларни индивидуал қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Juuuport Facebook, Twitter, Instagram, Snapchat ва TikTok каби ижтимоий медиа платформаларида фаолият олиб боради. Ташкилотнинг молиявий таъминоти асосан Германиянинг турли медиа органлари томонидан амалга оширилади.

Эстония полицияси ва чегара хизматининг Web-constables дастури – доирасида полиция ходимлари онлайн хавфсизлик бўйича вакиллар сифатида хизмат қиладилар. Дастур кибермаконни назорат қилиш, хусусан ижтимоий медиа платформаларидаги аккаунтларни юритишни ўз ичига олади.

Web-constables дастури жамиятда интернет хавфсизлигини таъминлаш, экстремистик фаолиятлар ва онлайн таҳдидларга қарши курашишда фаолият олиб боради. Полиция ходимлари бу жараёнда фойдаланувчиларни хатарларга қарши огоҳлантиради, киберҳимоянинг аҳамиятини тушунтиради ва кибержиноятлар бўйича маълумотларни йиғишга ёрдам берадилар.

Дастурнинг мақсади – жамиятда интернет хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фойдаланувчиларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш ва интернетдаги ижтимоий муносабатларни тўғри йўналтиришдир. Web-constables дастури, жамиятнинг рақамли муҳитида хавфсизликни таъминлашда муҳим восита бўлиб, онлайн экстремизмга қарши курашишда фаол иштирок этиш имконини беради.

Бугунги кун ёшлари, хусусан, қизлар ижтимоий медиа платформалари орқали кундалик ҳаётларига зарурий ахборотни олиш ва дўстлари билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлиб, бу платформалар уларнинг ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар кенг дунёқарашни, янги дўстларни топиш ва турли мавзуларда маълумот олишни осонлаштиради. Аммо, кўп ҳолларда, ёшлар интернетдаги маълумотларнинг ишончилигини текшириш учун етарли кўникмаларга эга эмаслар, бу эса уларнинг ёлғон ахборот, манипуляция ва зарarli тарғибот таъсири остига тушиб қолиш эҳтимолини оширади.

ХУЛОСА

Хотин-қизларнинг ижтимоий тармоқлар орқали ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги тавсиялар таклиф этилади:

Рақамли саводхонлик ва манбаларни текшириш кўникмалари. Бугунги кунда хотин-қизлар, айниқса ёш қизлар учун интернетдаги маълумотларнинг ишончилигини баҳолаш кўникмаларини шакллантириш жуда муҳим. Бунинг учун рақамли саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурлар орқали ёшлар пропаганда, ёлғон ахборот ва экстремистик контентни танишни ўрганишади. Рақамли саводхонлик уларни интернетда манбаларни текшириш ва маълумотнинг ҳаққонийлигини танқидий баҳолаш қобилияти билан таъминлайди. Масалан, Ирландиянинг BE MEDIA SMART дастури маълумот текшириш воситалари ва турли маълумотлар базаларини бирлаштириб, фойдаланувчиларга ишончли манбалардан фойдаланиш кўникмасини беради. Бундай дастурлар ёшларни радикаллашув хавфидан ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиши мумкин.

Экстремизм тарғиботини таниб олиш. Экстремистик гуруҳлар ўз тарғиботларини кўпинча ёш қизлар ва хотин-қизларни жалб қилишга қаратилган юмшоқ шаклларда тарқатишади. Шу боис, хотин-қизлар экстремизмнинг бундай тарғибот усулларини таниш ва шубҳали контентни аниқлаш кўникмасини ривожлантириши лозим. Бу мақсадларга эришиш учун махсус тренинглар ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиши керак. Улар ёрдамида ёшлар танқидий фикрлашни ривожлантириб, турли нарративларни ажратиш ва уларнинг моҳиятини баҳолашга тайёр

бўладилар. Шунингдек, шубҳали маълумотларнинг белгиларини билиш, контентнинг мақсади ва манбасини баҳолаш кўникмаларини ўрганадилар.

Рақамли саводхонликни рағбатлантирувчи платформалар ва воситаларни жорий этиш. Хотин-қизлар ва кизлар учун махсус ишлаб чиқилган рақамли воситалар ва онлайн ўқув дастурларининг жорий этилиши уларнинг интернетдаги ёлғон маълумот ва манипуляцияга нисбатан иммунитетини оширишга ёрдам беради. Бу платформалар турли хил қийинчиликларда ёрдам берадиган ахборотлар билан таъминлаш ва шубҳали контентни таниш имкониятига эга бўлишларига ёрдам беради.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун кўмакчи воситалар. Танқидий фикрлаш кўникмасини шакллантириш учун алоҳида қўлланмалар, тренинглари ва вебинарлар ташкил қилиш зарур. Ушбу дастурлар орқали ёшлар турли хабар ва маълумотларнинг манбаси, мақсади ва мазмунига эътибор қаратган ҳолда уларнинг қанчалик ишончли эканини баҳолай оладилар. Бу эса ёлғон маълумотларга нисбатан иммунитетини оширади ва уларни интернетдаги зарарли контентдан ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Алтернатив ижтимоий тармоқлар ва хавфсиз қўллаб-қувватлаш гуруҳлари яратиш. Хотин-қизлар учун хавфсиз ва самарали қўллаб-қувватлаш гуруҳлари яратиш, уларнинг ижтимоий тармоқларда соғлом муносабатларга эга бўлишига ёрдам беради. Бундай гуруҳлар ёшларни бирлаштириш ва уларни экстремизм таъсиридан узоқлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Ижобий алоқалар ва бирдамлик муҳити уларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Alter, C. (2021). How fixing Facebook's algorithm could help teens – and democracy. TIME. <https://time.com/6104157/facebook-testimony-teens-algorithm/>
- Askanius, T. (2020). Women in the Nordic Resistance Movement and their online media practices: Between internalised misogyny and «embedded feminism». Feminist Media Studies. (online). <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/14680777.2021.1916772>
- Auxier, B., & Anderson, M. (2021). Social media use in 2021. Pew Research Center. <https://www.pewresearch.org/internet/2021/04/07/social-media-use-in-2021/>
- Baaken, T. (2020). YouTube's role as a platform for extremism. Global Network on Extremism & Technology. <https://gnet-research.org/2020/03/02/youtubes-role-as-a-platform-for-extremism/>
- Beyersdörfer, A., Ipsen, F., Eisentraut, S., Wörner-Schappert, M., & Jellonnek, F. (2017). Network of hatred: How right-wing extremists use social media to court young people. Jugendschutz.net. https://www.hass-im-netz.info/fileadmin/public/main_domain/Dokumente/Rechtsextremismus/Network_of_Hatred.pdf
- Conway, M., Scrivens, R., & Macnair, L. (2019). Right-wing extremists' persistent online presence: History and contemporary trends. International Centre for Counter-Terrorism - The Hague. <https://icct.nl/app/uploads/2019/11/Right-Wing-Extremists-Persistent-Online-Presence.pdf>
- Feuer, W. (2019, 21 October). TikTok removes two dozen accounts used for ISIS propaganda. CNBC. <https://www.cnbc.com/2019/10/21/tiktok-removes-two-dozen-accounts-used-for-isis-propaganda.html>
- Gaudette, T., Scrivens, R., & Davies, G. (2020). Upvoting extremism: Collective identity formation and the extreme right on Reddit. New Media & Society, 23(12), 3491-3508. <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/1461444820958123?journalCode=nmsa>
- Gielen, A. (2018). Exit programmes for female jihadists: A proposal for conducting realistic evaluation of the Dutch approach. International Sociology, 33(4), 454-472. <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.1177/0268580918775586>
- Hope not hate. (2021). Investigation: 'For the future, by the future'. <https://www.hopenothate.org.uk/investigation-for-the-future-by-the-future/>
- Ipsen, F. et al. (2019). 2018 & 2019 Report right-wing extremism on the internet.
- Johnston, M., Iqbal, M., & True, J. (2020). The lure of (violent) extremism: Gender constructs in online recruitment and messaging in Indonesia. Studies in Conflict & Terrorism. (online). <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/1057610X.2020.1759267?scroll=top&needAccess=true>
- Jugendschutz.net. (2017). Dschihadisten werben um Mädchen und junge Frauen. https://www.hass-im-netz.info/fileadmin/public/main_domain/Dokumente/Islamismus/TP_Dschihadisten_werben_um_junge_M%C3%A4dchen_und_Frauen.pdf
- Jul Jacobsen, S. (2019). Calling on women: Female-specific motivation narratives in Danish online jihad propaganda. Perspectives on Terrorism, 13(4), 14-26. <https://www.universiteitleiden.nl/binaries/content/assets/customsites/perspectives-on-terrorism/2019/issue-4/jacobsen.pdf>
- O'Connor, C. (2021, 24 August). Hatescape: An in-depth analysis of extremism and hate speech on TikTok. Institute for Strategic Dialogue. <https://www.isdglobal.org/isd-publications/hatescape-an-in-depth-analysis-of-extremism-and-hate-speech-on-tiktok>
- Perrigo, P. (2020, 30 October). The subreddit /r/collapse has become the doomscrolling capital of the internet. Can its users break free? TIME. <https://time.com/5905324/reddit-collapse/>

17. Potter, N. (2021, 8 June). Mit antisemitischen Viralvideos für das Kalifat. Belltower.News. <https://www.belltower.news/muslim-interaktiv-mit-antisemitischen-viralvideos-fuer-das-kalifat-116977/>
18. Radicalisation Awareness Network. (2020). (Young) Women's Usage of Social Media and Lessons for Preventing Violent Extremism. https://ec.europa.eu/home-affairs/system/files/2021-01/ran_small_scale_meeting_gender_and_social_media_en.pdf
19. Röhlig, M. (2021, 19 June). Die Islamisten-Hipster. SPIEGEL Politik. <https://www.spiegel.de/politik/deutschland/muslim-interaktiv-wie-eine-gruppe-von-hizb-ut-tahrir-jugendliche-umwirbt-a-58a2a63d-1798-475c-b2d1-a072c734d232>
20. Russonello, G. (2021, 27 April). Twitch, where far-right influencers feel at home. The New York Times. <https://www.nytimes.com/2021/04/27/us/politics/twitch-trump-extremism.html>
21. Schlegel, L. (2021, 5 August). A bookstore, not a customized page: Why we need more variety, not more tailoring in digital narrative campaigns against extremism. European Eye on Radicalization. <https://eeradicalization.com/a-bookstore-not-a-customized-page-why-we-need-more-variety-not-more-tailoring-in-digital-narrative-campaigns-against-extremism/>
22. Schlegel, L. (2021). Extremists' use of gaming (adjacent) platforms. Insights regarding primary and secondary prevention measures. Radicalisation Awareness Network. https://ec.europa.eu/home-affairs/networks/radicalisation-awareness-network-ran/publications/extremists-use-gaming-adjacent-platforms-insights-regarding-primary-and-secondary-prevention_en
23. Schofield, D. (2021, 29 March). Inside the online 'safe space' for female incels: Enter the pink pill. Huck. <https://www.huckmag.com/art-and-culture/tech/inside-the-online-safe-space-for-femcels/>
24. Shaban, S. (2020). Teenagers, terrorism, and technopanic: How British newspapers framed female ISIS recruits as victims of social media. International Journal of Communication, 14(2020), 535-555. <https://ijoc.org/index.php/ijoc/article/view/13103>
25. Skovgaard-Petersen, J. (2015). A typology of fatwas. Die Welt des Islams, 55(3-4), 278-285. <https://doi.org/10.1163/15700607-05534p02>
26. TED. (2020, 13 June). A woman's place in security | Joana Cook | TEDxLondonBusinessSchool (Video). YouTube. <https://www.youtube.com/watch?v=CqcIxx6rsII&t=2s>
27. Weimann, G., & Masri, N. (2020). Research note: Spreading hate on TikTok. Studies in Conflict & Terrorism. (online). <https://www.tandfonline.com/doi/10.1080/1057610X.2020.1780027>
28. Wells, G. (2019, 21 October). Islamic State turns to teen-friendly TikTok, adorning posts with pink hearts. The Wall Street Journal. <https://www.wsj.com/articles/islamic-state-turns-to-teen-friendly-tiktok-adorning-posts-with-pink-hearts-11571680389>
29. Zadrozny, B. (2021, 22 October). 'Carol's Journey': What Facebook knew about how it radicalized users. NBC News. <https://www.nbcnews.com/news/amp/rcna3581>
30. Zeiger, S., Gyte, J. (2021). Prevention of radicalization on social media and the internet. In A, P. Schmid (Ed.), Handbook of terrorism prevention and preparedness (pp. 374-411). International Centre for Counter-Terrorism - The Hague. <https://icct.nl/app/uploads/2021/01/Handbook-Ch-12-Zeiger-Gyte-FINAL-1.pdf>

REFERENCES

1. Alter, C. (2021). How fixing Facebook's algorithm could help teens – and democracy. TIME. <https://time.com/6104157/facebook-testimony-teens-algorithm/>
2. Askanius, T. (2020). Women in the Nordic Resistance Movement and their online media practices: Between internalised misogyny and «embedded feminism». Feminist Media Studies. (online). <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/14680777.2021.1916772>
3. Auxier, B., & Anderson, M. (2021). Social media use in 2021. Pew Research Center. <https://www.pewresearch.org/internet/2021/04/07/social-media-use-in-2021/>
4. Baaken, T. (2020). YouTube's role as a platform for extremism. Global Network on Extremism & Technology. <https://gnet-research.org/2020/03/02/youtubes-role-as-a-platform-for-extremism/>
5. Beyersdörfer, A., Ipsen, F., Eisentraut, S., Wörner-Schappert, M., & Jellonnek, F. (2017). Network of hatred: How right-wing extremists use social media to court young people. Jugendschutz.net. https://www.hass-im-netz.info/fileadmin/public/main_domain/Dokumente/Rechtsextremismus/Network_of_Hatred.pdf
6. Conway, M., Scrivens, R., & Macnair, L. (2019). Right-wing extremists' persistent online presence: History and contemporary trends. International Centre for Counter-Terrorism - The Hague. <https://icct.nl/app/uploads/2019/11/Right-Wing-Extremists-Persistent-Online-Presence.pdf>
7. Feuer, W. (2019, 21 October). TikTok removes two dozen accounts used for ISIS propaganda. CNBC. <https://www.cnbc.com/2019/10/21/tiktok-removes-two-dozen-accounts-used-for-isis-propaganda.html>
8. Gaudette, T., Scrivens, R., & Davies, G. (2020). Upvoting extremism: Collective identity formation and the extreme right on Reddit. New Media & Society, 23(12), 3491-3508. <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/1461444820958123?journalCode=nmsa>
9. Gielen, A. (2018). Exit programmes for female jihadists: A proposal for conducting realistic evaluation of the Dutch approach. International Sociology, 33(4), 454-472. <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.1177/0268580918775586>

10. Hope not hate. (2021). Investigation: 'For the future, by the future'. <https://www.hopenothate.org.uk/investigation-for-the-future-by-the-future/>
11. Ipsen, F. et al. (2019). 2018 & 2019 Report right-wing extremism on the internet.
12. Johnston, M., Iqbal, M., & True, J. (2020). The lure of (violent) extremism: Gender constructs in online recruitment and messaging in Indonesia. *Studies in Conflict & Terrorism*. (online). <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/1057610X.2020.1759267?scroll=top&needAccess=true>
13. Jugendschutz.net. (2017). Dschihadisten werben um Mädchen und junge Frauen. https://www.hass-im-netz.info/fileadmin/public/main_domain/Dokumente/Islamismus/TP_Dschihadisten_werben_um_junge_M%C3%A4dchen_und_Frauen.pdf
14. Jul Jacobsen, S. (2019). Calling on women: Female-specific motivation narratives in Danish online jihad propaganda. *Perspectives on Terrorism*, 13(4), 14-26. <https://www.universiteitleiden.nl/binaries/content/assets/customsites/perspectives-on-terrorism/2019/issue-4/jacobsen.pdf>
15. O'Connor, C. (2021, 24 August). Hatescape: An in-depth analysis of extremism and hate speech on TikTok. Institute for Strategic Dialogue. <https://www.isdglobal.org/isd-publications/hatescape-an-in-depth-analysis-of-extremism-and-hate-speech-on-tiktok>
16. Perrigo, P. (2020, 30 October). The subreddit /r/collapse has become the doomscrolling capital of the internet. Can its users break free? *TIME*. <https://time.com/5905324/reddit-collapse/>
17. Potter, N. (2021, 8 June). Mit antisemitischen Viralvideos für das Kalifat. *Belltower.News*. <https://www.belltower.news/muslim-interaktiv-mit-antisemitischen-viralvideos-fuer-das-kalifat-116977/>
18. Radicalisation Awareness Network. (2020). (Young) Women's Usage of Social Media and Lessons for Preventing Violent Extremism. https://ec.europa.eu/home-affairs/system/files/2021-01/ran_small_scale_meeting_gender_and_social_media_en.pdf
19. Röhlig, M. (2021, 19 June). Die Islamisten-Hipster. *SPIEGEL Politik*. <https://www.spiegel.de/politik/deutschland/muslim-interaktiv-wie-eine-gruppe-von-hizb-ut-tahrir-jugendliche-umwirbt-a-58a2a63d-1798-475c-b2d1-a072c734d232>
20. Russonello, G. (2021, 27 April). Twitch, where far-right influencers feel at home. *The New York Times*. <https://www.nytimes.com/2021/04/27/us/politics/twitch-trump-extremism.html>
21. Schlegel, L. (2021, 5 August). A bookstore, not a customized page: Why we need more variety, not more tailoring in digital narrative campaigns against extremism. *European Eye on Radicalization*. <https://eeradicalization.com/a-bookstore-not-a-customized-page-why-we-need-more-variety-not-more-tailoring-in-digital-narrative-campaigns-against-extremism/>
22. Schlegel, L. (2021). Extremists' use of gaming (adjacent) platforms. Insights regarding primary and secondary prevention measures. *Radicalisation Awareness Network*. https://ec.europa.eu/home-affairs/networks/radicalisation-awareness-network-ran/publications/extremists-use-gaming-adjacent-platforms-insights-regarding-primary-and-secondary-prevention_en
23. Schofield, D. (2021, 29 March). Inside the online 'safe space' for female incels: Enter the pink pill. *Huck*. <https://www.huckmag.com/art-and-culture/tech/inside-the-online-safe-space-for-femcels/>
24. Shaban, S. (2020). Teenagers, terrorism, and technopanic: How British newspapers framed female ISIS recruits as victims of social media. *International Journal of Communication*, 14(2020), 535-555. <https://ijoc.org/index.php/ijoc/article/view/13103>
25. Skovgaard-Petersen, J. (2015). A typology of fatwas. *Die Welt des Islams*, 55(3-4), 278-285. <https://doi.org/10.1163/15700607-05534p02>
26. TED. (2020, 13 June). A woman's place in security | Joana Cook | TEDxLondonBusinessSchool (Video). YouTube. <https://www.youtube.com/watch?v=CqIXX6rsII&t=2s>
27. Weimann, G., & Masri, N. (2020). Research note: Spreading hate on TikTok. *Studies in Conflict & Terrorism*. (online). <https://www.tandfonline.com/doi/10.1080/1057610X.2020.1780027>
28. Wells, G. (2019, 21 October). Islamic State turns to teen-friendly TikTok, adorning posts with pink hearts. *The Wall Street Journal*. <https://www.wsj.com/articles/islamic-state-turns-to-teen-friendly-tiktok-adorning-posts-with-pink-hearts-11571680389>
29. Zadrozny, B. (2021, 22 October). 'Carol's Journey': What Facebook knew about how it radicalized users. *NBC News*. <https://www.nbcnews.com/news/amp/rcna3581>
30. Zeiger, S., Gyte, J. (2021). Prevention of radicalization on social media and the internet. In A. P. Schmid (Ed.), *Handbook of terrorism prevention and preparedness* (pp. 374-411). International Centre for Counter-Terrorism - The Hague. <https://icct.nl/app/uploads/2021/01/Handbook-Ch-12-Zeiger-Gyte-FINAL-1.pdf>

